



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎРТА MAHSUS TA'LMIM
VAZIRLIGI**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎРТА MAHSUS TA'LMIM
VAZIRLIGINING KASB-HUNAR TA'LIMI MARKAZI**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BANDLIK VA MEHNAT
MUHOSABATLARI VAZIRLIGI**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI**

**Академик лицей ва касб-хунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат
кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 майдаги 391-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Намунавий штатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига, ҳарбий-академик лицейларга, олимпия захиралари коллежларига, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига, шу жумладан имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига нисбатан татбиқ этилмайди;

Намунавий штат меъёрлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бюджет маблағлари ва ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушадиган маблағлар ҳисобидан жорий қилинади;

Намунавий штат меъёрлари жорий қилиниши муносабати билан бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув ёрдамчи ходимлар сонининг қисқариши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

айрим таълим муассасаларининг штатлар жадвалларини тузишда, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Намунавий штатларида кўзда тутилмаган лавозимлар ва ходимлар сони белгиланиши мумкин.

3. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг директорлари штат жадвалларини тасдиқланган Намунавий штат меъёрларига қатъий амал қилган ҳолда мослаштиришини таъминласин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил "23" декабрь,
785/1 -сон



И. Маджидов

**Касб-хунар таълими
маркази директори**

Тошкент ш.,
2018 йил "23" декабрь,
13/15 -сон



М. Холмухамедов

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил "23" декабрь,
324/1 -сон



Ш. Кудбиев

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил "23" декабрь,
162 -сон



Д. Кучкаров

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 78-к/к, 13/ққ, 32-к/к, 162-сон қарорига
ИЛОВА

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ

Т/ Р	Лавозимлар номланиши	Ўқувчилар сонига нисбатан белгиланадиган лавозим бирликлари					
		60 нафар-гача	61 - 150	151 - 300	301 - 450	451 - 600	601 нафар ва ундан ортиқ
1.	Директор (филиал директори)	1	1	1	1	1	1
2.	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1
3.	Директорнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари (касб-хунар коллежлари учун)		1	1	1	1	1
4.	Директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари		0,5	1	1	1	1
5.	Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1	1	1	1	1	1
6.	Жисмоний тарбия раҳбари *	0,5	0,5	1	1	1	1
7.	Ҳарбий чақириқгача тайёргарлик раҳбари**	1	1	1	1	1	1
8.	Ахборот-кутубхона технологияси бўйича етакчи мутахассис ***	0,5	1	1	1	1	1
9.	Ахборот-кутубхона технологияси бўйича мутахассис ***	0,5	0,5	0,5	0,5	1	2
10.	Бош бухгалтер	1	1	1	1	1	1
11.	Бухгалтер****			0,5	0,5	1	1
12.	Ўқув бўлими услубчиси	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
13.	Котиба - иш юритувчи	0,5	0,5	1	1	1	1
14.	Кадрлар бўйича инспектор	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
15.	Комендант	1	1	1	1	1	1
16.	Омборчи	0,5	0,5	1	1	1	1

17.	Юрисконсульт (академик лицейлар учун)			1	1	1	1
-----	---------------------------------------	--	--	---	---	---	---

Изоҳ:

- * Йиллик ўқув юкламаси 400 соат ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.
- ** Йиллик ўқув юкламаси 530 соат ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади
- *** Ахборот-ресурс марказлари ташкил этилмаган академик лицей ва касб-хунар коллежларида ахборот-кутубхона технологияси бўйича лавозим киритилади.
- **** Академик лицейларда имтиёзли овқатлантириш ташкил этилганда 1 бирлик бухгалтер лавозими киритилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ахборот-ресурс марказлари лавозим киритиш меъёрлари Намунавий штатларининг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш меъёрлари Намунавий штатларнинг 2-иловасига мувофиқ белгиланади.

Мазкур Намунавий штатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Адлия вазири

2018 йил “20” декабрь



Р. Давлетов

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
биринчи ўринбосари

2018 йил “21” декабрь



Б. Юсупалиев

Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари

2018 йил “21” декабрь



Б. Мусаев

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари
бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи
ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг
намунавий штатларига
1-ИЛОВА

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошидаги
Ахборот-ресурс марказларининг ходимлари учун лавозимларни киритиш
МЕЪЁРЛАРИ**

Т/р	Бўлим ва лавозим номлари	Ахборот-ресурс марказининг гуруҳига* нисбатан белгиланадиган лавозим бирликлари			ЯТС бўйича лавозим разряди
		1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	
1.	Ахборот-ресурс маркази раҳбари	1	1	1	10
Электрон ахборот-ресурс технологиялари бўлими					
2.	Бўлим бошлиғи**	1			8
3.	Етакчи мутахассис***	1	1		7
4.	1-тоифали мутахассис***	1	1	1	5
Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бўлими					
5.	Бўлим бошлиғи	1			8
6.	Етакчи мутахассис	1	1	1	7
7.	1-тоифали мутахассис	1	1		5
Ахборот-ресурсларни қабул қилиш ва фондларни шакллантириш бўлими					
8.	Бўлим бошлиғи	1	1		8
9.	1-тоифали мутахассис	1	1	1	5
Ахборот-ресурс маркази филиали (шоҳобчаси)					
10.	Филиал раҳбари****	1	1	1	9
11.	1-тоифали мутахассис****	1	1	1	5
Жами		11	9	6	

Изоҳ:

* Ахборот-ресурс марказида бир йилда адабиётлардан (китоблардан) фойдаланувчилар сони 5 минг кишидан ортиқ ва кўрсатилган ахборот-кутубхона хизмати бўйича берилган ҳужжатлар сони 135 минг ва ундан ортиқ нусха бўлса – 1-гуруҳ;

Ахборот-ресурс марказида бир йилда адабиётлардан (китоблардан) фойдаланувчилар сони 2,5 минг кишидан 5 минг кишигача ва кўрсатилган ахборот-кутубхона хизмати бўйича берилган ҳужжатлар сони 75 минг нусхадан 135 минг нусхагача бўлса – 2-гуруҳ;

Ахборот-ресурс марказида бир йилда адабиётлардан (китоблардан) фойдаланувчилар сони 2,5 минг кишигача ва кўрсатилган ахборот-кутубхона хизмати бўйича берилган хужжатлар сони 75 минг нусхагача бўлса – 3-гуруҳ ҳисобланади.

Ахборот-ресурс марказлари ҳар йили ўтган йилги фаолияти давомида кўрсатган хизматларидан келиб чиққан ҳолда жорий йил учун гуруҳларга ажратилади. Бунда Ахборот-ресурс марказларининг гуруҳини белгилаш учун бир йилда ҳақиқатда Ахборот-ресурс маркази томонидан хизмат кўрсатилган фойдаланувчилар ва уларга кўрсатилган ахборот-кутубхона хизматлари бўйича берилган хужжатлар сони тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий касб-хунар таълими бошқармалари томонидан тасдиқланади. Мазкур тасдиқланган маълумотлар таълим муассасасининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказишда илова қилинади.

****** Ахборот-ресурс марказида 6 тадан кўп соз ҳолатдаги компьютерлар “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғига уланган бўлиб, сканер, нусха кўчириш ва принтер ускуналари билан жиҳозланган бўлса, мазкур лавозимлар киритилади.

******* Ахборот-ресурс марказида 3 тадан 6 тагача соз ҳолатдаги компьютерлари “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғига уланган бўлиб, сканер ва принтер ускуналари билан жиҳозланган бўлса, мазкур лавозимлар киритилади.

******** Ахборот-ресурс марказининг филиалининг (шохобчасининг) биноси таълим муассасасининг балансида бўлиб, адабиётлар (китоблар) билан таъминланган бўлса, мазкур лавозимлар киритилади.

Ахборот-ресурс маркази турли халқаро грантларда ёки лойиҳаларда иштирок этаётган бўлса, 1,0 бирлик етакчи мутахассис лавозими қўшимча киритилиши мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари
бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи
ва ўқув-ёрдამчи ходимларининг
намунавий штатларига
2-ИЛОВА

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат
кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш
МЕЪЁРЛАРИ**

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимларининг намунавий штатларида назарда тутилмаган Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимларининг алоҳида лавозимлари мазкур Меъёрларга мувофиқ киритилади.

**1-боб. Таълим муассасаларида алоҳида лавозимларни
киритиш меъёрлари**

1. Таълим муассасасида ўқув йўналиши бўйича ўқувчилар сони 100 нафар ва ундан ортиқ бўлса, ҳар бир йўналишга 1,0 бирлик бўлим мудир лавозими киритилади.

2. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, психолог лавозим бирлиги қуйидагича белгиланади:

250 нафаргача – 1,0 бирлик;

250 нафардан 800 нафаргача – 1,5 бирлик;

800 нафардан 1600 нафаргача – 2,0 бирлик;

1600 нафардан 3000 нафаргача – 2,5 бирлик;

3000 нафар ва ундан ортиқ бўлса – 3,0 бирлик.

3. Таълим муассасасининг ўқув режасида ўқув-лаборатория амалий машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган ҳамда амалий машғулотлар ўтказилиш учун жиҳозланган ўқув-лаборатория хонаси мавжуд бўлса, ҳар бир ўқув-лаборатория хонаси учун 1,0 бирлик лаборант лавозими киритилади.

4. Таълим муассасасининг лингафон, компьютер ва ўқув техника жиҳозлари ўрнатилган хоналарига хизмат кўрсатиш учун – 1,0 бирлик лингафон, компьютер ва ўқув техника жиҳозларига хизмат кўрсатувчи техник лавозими киритилади.

5. Таълим муассасасининг гардероб хонасидаги мавжуд 250 та ва ундан ортиқ жиҳозланган кийим сақлаш жойлари учун – 1,0 бирлик гардеробчи (кийим сақловчи) лавозими мавсумий 5 ойга киритилади.

6. Ҳовли супурувчи (дворник) лавозими таълим муассасасининг қоплама тўшалган (асфальт, бетон, брусчатка) ҳар 2500 кв.метр майдони учун 1,0 бирлик

ҳисобидан келиб чиққан ҳолда (таълим муассасада 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) киритилади.

7. Таълим муассасасининг меваги боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган 0,5 га дан 2,0 га гача майдони учун - 1,0 бирлик, кейинги ҳар 2,0 га майдон учун - 1,0 бирлик боғбон лавозими киритилади. Таълим муассасасининг ижарага берган майдони бундан мустасно.

8. Таълим муассасасини кеча-кундуз кўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир кириш дарвозаси постига 4,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда таълим муассасаси ҳудудидан ташқарида жойлашган биноларнинг ҳам ҳар бир дарвоза пости учун алоҳида 4,0 бирлик қоровул лавозими киритилади.

9. Бино, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи:

электромонтёр лавозими 700 тагача ёритиш нуқталари (виключатель, разетка ва кароба) (таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) учун - 0,5 бирлик, ёритиш нуқталари 700 дан ортиқ бўлса, 1,0 бирлик;

чилангар (сантехник) лавозими - сув қувурлари, канализация ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган ҳар 2800 кв.м майдон учун - 1,0 бирлик (бирок, таълим муассасасида 2,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда);

дурадгор лавозими - таълим муассасаси биносининг фойдаланиладиган 3500 кв.м ва ундан ортиқ майдони учун - 1,0 бирлик (таълим муассасасида 1,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) киритилади.

Муассаса балансидаги биноларнинг эксплуатация ишлари ихтисослаштирилган ташкилот томонидан шартнома асосида амалга оширилганда, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи ишчилар лавозимлари киритилмайди.

10. Биноларнинг ички қисми, шу жумладан хизмат хоналари, йўлаклар, зинапоялар, фаоллар зали ва спорт зал ҳамда ўқув-аудитория (ётоқхонанинг ўқувчилар ётадиган хоналари бундан мустасно) майдонини тозаловчи фаррош лавозими ҳар 700 кв.м тозалаш майдони учун - 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

11. Уй-жой коммунал хўжалик тизимида ўтказилмаган таълим муассасаларида иситиш мавсумида (5 ой) ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун - 2,0 бирликдан, табиий газ ёқилгиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхоналарда (қозонхона ҳажмидан қатъий назар) ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун - 1,0 бирликдан;

алоҳида кичик қозонлари билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса – 1,0 бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса, 2,0 бирликдан;

иситиш печлари орқали иситиладиган муассасаларда ҳар 10 дона печ учун – 1,0 бирликдан ва кейинги ҳар 5 – 9 дона печ учун қўшимча 0,5 бирликдан (лекин муассаса учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) киритилади.

12. Таълим муассасасида 1,0 бирлик муассаса биносига комплекс хизмат кўрсатувчи ва биноларни жорий таъмирлаш ишчиси лавозими доимий киритилади.

13. Тарбиячи лавозими дам олиш ва байрам кунларида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда, таълим муассасаси ётоқхонасида яшовчи ўқувчилар 75 нафаргача бўлганда, 1,0 бирлик ва кейинги ҳар 100 нафар ўқувчи учун қўшимча 1,0 бирлик ҳисобидан киритилади.

14. Хўжалик бекаси лавозими таълим муассасаси ётоқхонасида яшовчи ўқувчилар сони 100 нафар ва ундан ортиқ бўлганда, 1,0 бирлик киритилади.

15. Лифтчи лавозими бир бинода жойлашган ва фойдаланилаётган ҳар бир лифт ёки лифтлар гуруҳига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақтида учун – 1,0 бирлик (бирок, 2,5 ўрин алмашиш иш вақтидан ортиқ бўлмаган ҳолда) киритилади.

16. Таълим муассасасининг ҳар бир алоҳида жойлашган ётоқхонасида яшовчи ўқувчилар сони 50 нафар ва ундан ортиқ бўлса, уларнинг ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирлик (бирок 4,0 ўрин алмашиш иш вақтидан ортиқ бўлмаган ҳолда) ётоқхона навбатчиси лавозими киритилади.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган вазирлик ва идоралар аппаратлари, уларга бўйсунувчи ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари енгил хизмат автомашиналари чекланган миқдорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази томонидан таълим муассасалари учун тасдиқланган ўқув машқиға мўлжалланмаган транспорт воситаларининг чекланган сонидан (лимитидан) келиб чиқиб, соз ҳолатдаги ҳар бир автотранспорт воситаси учун – 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади.

18. Таълим муассасаси балансига кирим қилинган “Баркамол авлод” мусобақасида ғолиб бўлганлик учун берилган транспорт воситалари учун таълим муассасанинг харажатлар сметасида ёқилғи мойлаш материаллари учун маблағлар режалаштирилиб, 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади. Таълим муассасаси раҳбари учун хизмат автомашинаси бўлиб фойдаланилаётган транспорт воситалари бундан мустасно.

19. Таълим муассасаси ўқувчиларининг турли хил тадбирларда хавфсиз қатнашишини таъминлаш учун мўлжалланган махсус автотранспорт (автобус, микроавтобус) воситаси мавжуд бўлса, 1,0 бирлик автобус ҳайдовчиси лавозими киритилади.

20. Таълим муассасаси ётоқхонасида 300 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар истиқомат қилаётган бўлса, 0,5 бирлик паспортист лавозими киритилади.

21. Чет тили чуқурлаштирилиб ўқитиладиган академик лицейларда 1,0 бирлик чет тиллари бўйича директор ўринбосари лавозими киритилиши мумкин.

22. Янги ташкил этилаётган (мукаммал таъмирлаш, реконструкция ишлари амалга оширилаётган) академик лицей ва касб-хунар коллежларида директор, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари (хўжалик мудир), бош бухгалтер, катта ишлаб чиқариш таълим устаси лавозимлари 1,0 бирликдан, жами 4,0 бирлик қурилиш битказилгунга қадар (бироқ, 6 ойдан ошмаган ҳолда) киритилади.

23. Ёпиқ ва очиқ сув ҳавзаси ҳамда бассейнлари мавжуд бўлган таълим муассасаларида 1,0 бирликдан дезинфектор ҳамда сузиш бўйича йўриқчи лавозимлари таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан киритилиши мумкин.

24. Академик лицейларда ўқув машғулотларидан ташқари турли йўналишдаги тўғарак машғулотлари ташкил этиладиган бўлса, ҳар бир тўғаракда 26 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар учун – 1,0 бирлик тўғарак раҳбари лавозими (бироқ, 3,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) киритилади.

25. Касб-хунар коллежининг амалиёт ўтайдиган ҳар бир гуруҳи учун – 1,0 бирлик ишлаб чиқариш таълими устаси лавозими киритилади.

26. Касб-хунар коллежида амалиёт ўтайдиган ўқувчилар сони 200 нафардан ошганда, 1,0 бирлик катта уста лавозими киритилади.

27. Касб-хунар коллежида ўқув амалиётида фойдаланишга яроқли жиҳозланган устахонаси мавжуд бўлса, 1,0 бирлик устахона мудир лавозими киритилади.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ҳисобга олинган таълим муассасаларининг ўқув машқи учун мўлжалланган ҳар бир соз ҳолатдаги автотранспорт воситаси, шу жумладан ушбу мақсадда ижарага олинган транспорт воситалари учун – 1,0 бирликдан автотранспорт воситаларини бошқариш бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси (автотранспорт воситасини бошқаришни ўргатувчи) лавозими киритилади.

29. Касб-хунар коллежининг балансидаги мавжуд ўқув машқи учун мўлжалланган соз ҳолатдаги трактор (бульдозер, комбайн) техникаси учун – 1,0 бирлик техникани бошқариш бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси

(ўргатувчи) лавозими киритилади. Бунда ушбу лавозим трактор, бульдозер ва комбайн техникалари учун алоҳида киритилмайди.

30. Касб-хунар коллежида ўқувчиларнинг амалий ва ўқув машғулоти учун мўлжалланган таълим жараёнида фойдаланиладиган соз ҳолатдаги транспорт воситалари ва техникалари (автотранспорт воситалари, тракторлар, бульдозер, комбайнлар) 10 та ва ундан ортиқ бўлса, 1,0 бирлик механик лавозими киритилади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган касб-хунар коллежларида механик лавозими бир вақтнинг ўзида гараж мудир бўлиб ҳисобланади.

31. Қурилиш, техника (саноат) ва қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланадиган касб-хунар коллежларида асбоб-ускуналар омбори мавжуд бўлганда, 1,0 бирлик жиҳозлар бўйича омборчи лавозими қўшимча киритилади.

32. Касб-хунар коллежида ўқувчиларнинг амалий ва ўқув машғулоти учун мўлжалланган таълим жараёнида фойдаланиладиган соз ҳолатдаги жиҳозлар (станоклар, машиналар, тикув машиналари, тиббиёт техникалари) мавжуд бўлганда 30 та жиҳозга 1,0 бирлик таъмирловчи-чилангар лавозими киритилади.

33. Маданият, муסיқа ва санъат таълим муассасалари балансида мавжуд муסיқа чолғуларини таъмирловчи уста лавозими:

- ҳар 16 та клавишли чолғулар учун – 1,0 бирлик;
- ҳар 30 та торли чолғулар учун – 1,0 бирлик;
- ҳар 30 та дамли чолғулар учун – 1,0 бирлик;
- ҳар 16 та электрон муסיқа чолғулар учун – 1,0 бирлик;
- ҳар 30 та халқ чолғулари учун – 1,0 бирлик;
- ҳар 50 та урма зарбли чолғулар учун – 1,0 бирлик киритилади.

34. Таълим муассасаси балансида мавжуд 16 та соз ҳолатдаги клавишли муסיқа чолғулари (рояль, фортепиано, пианино ва бошқалар) учун – 1,0 бирлик ҳисобидан муסיқа чолғуларини созловчи лавозими киритилади.

35. Таълим муассасаларида ижрочилик йўналишлари мавжуд бўлиб, алоҳида либослар учун хона ажратилган бўлса, 1,0 бирлик либосчи (кийим сақловчи, кастюмер) лавозими киритилади.

36. Маданият, санъат ва муסיқа йўналишидаги таълим муассасаларида муסיқа чолғулари, овоз ёзиш ва ёритиш ускуналари билан жиҳозланган хоналар мавжуд бўлса, 1,0 бирлик лаборант лавозими киритилади.

37. Маданият, санъат ва муסיқа йўналишидаги таълим муассасаларида овоз ёзиш студиялари, эстрада йўналишлари мавжуд бўлганда, 1,0 бирлик овоз оператори лавозими киритилади.

38. Маданият, санъат ва муסיқа йўналишидаги таълим муассасаларида ўқитувчилар амалий-ижодий ишларини (концерт дастури, тадбир, спектакль

ва бошқалар) тартибга солиш ва назорат қилиш учун – 1,0 бирлик бадий раҳбар лавозими киритилади.

39. Таълим муассасаларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан тегишли лавозим бирликлари киритилиши мумкин. Бунда, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланган ҳолда тўлов-контракт қийматини ҳисоблаб чиқиш харажатлари инобатга олинган лавозим бирликлари киритилади.

2-боб. Яқуний қондалар

40. Ушбу Меъёрлар асосида тузиладиган штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилишда, унга таълим муассасаларининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (ўқувчилар контингенти, бинолар сони, майдонлар ҳажми, филиаллар (агар мавжуд бўлса) тўғрисидаги маълумотлар) муассаса раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда илова қилинади.

41. Штат жадвалини тузишда таълим муассасасининг йилнинг 1 январь ҳолатидаги рўйхатда мавжуд бўлган ўқувчилар сони ҳисобга олинади ва у ўқувчилар сони ўзгариши билан йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қайта кўриб чиқилиши мумкин.